

7. Корсаков М.Н., Масыч М.А. Совершенствование социально-трудовых отношений в современных условиях. – Ростов-на-Дону: Изд-во ЮФУ, 2014.
8. Barkley A. Cost and Efficiency in Dynamic Government Outsourcing: Evidence from the Dredging Industry. Cmu.edu. [Электронный ресурс]. URL: <https://www.cmu.edu/tepper/programs/phd/program/assets/dissertations/2017-economics-barkley-dissertation.pdf>.
9. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари //www.stat.uz
10. Isaev F. I. Tax Accounting: Theory and Practice //International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding. – 2022. – Т. 9. – №. 12. – С. 30-38.
11. Ikromovich, Isayev Fakhreddin. "Concept of economic analysys and its structural components." International Journal of Marketing and Technology 7.12 (2017): 1-13.
12. Ikromovich, Isayev Fakhreddin. "Analysis of the profit tax and its improvement." International Journal of Research in Social Sciences 7.12 (2017): 74-85.



ДЕМОГРАФИК ЎЗГАРИШЛАР: МУАММО ЁКИ ИМКОНИЯТ

*Акрамова Шахноза Ганишеровна
ТДИУ ҳузуридаги "Ўзбекистон иқтисодиётини
ривожлантиришининг илмий асослари ва муаммолари"
илмий тадқиқот маркази, "Демография ва меҳнат бозори"
сектори мудири, PhD.*

[doi: \[https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss6/a28\]\(https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss6/a28\)](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss6/a28)

Аннотация. Мақолада демографик тенденциялар демографик барқарорлик концепцияси доирасида таҳлил қилинган. Демографик барқарорлик тушунчаси изоҳланган, "Ўзбекистоннинг 2030 йилгача мўлжалланган демографик барқарорлик концепцияси"нинг асосий ўйналишлари бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Калим сўзлар: Аҳоли, аҳоли сонининг ошиши, туғилиш, ўлим, умр давомиyllиги, "демографик имкониятлар дарчаси", қариш, Демографик барқарорлик концепцияси.

ДЕМОГРАФИЧЕСКИЕ ТЕНДЕНЦИИ: ПРОБЛЕМА ИЛИ ВОЗМОЖНОСТЬ

*Акрамова Шахноза Ганишеровна
Научно-исследовательский центр «Научные основы и
проблемы развития экономики Узбекистана» при ТГЭУ
заведующий сектором "Демография и рынок труда", PhD.*

Аннотация: В статье анализируются демографические тенденции в призме концепции демографической устойчивости. Интерпретируется понятие демографической устойчивости, разработаны предложения по основным направлениям «Концепции демографической устойчивости Узбекистана до 2030 года»

Ключевые слова: Население, рост численности населения, рождаемость, смертность, продолжительность жизни, «демографическое окно возможностей», старение, Концепция демографической устойчивости.

DEMOGRAPHIC TRENDS: A PROBLEM OR OPPORTUNITY?

*Akramova Shakhnoza Ganisherovna
Scientific Research center under TSUE
“Scientific Bases and Issues of development
of Economy of Uzbekistan”, head of the sector
“Demography and labor market”, Ph.D*

Annotation: The article analyzes demographic trends in the light of the concept of demographic resilience. The concept of demographic resilience is interpreted, proposals on the main areas of the "Demographic Resilience Concept of Uzbekistan until 2030" developed.

Key words: Population, population growth, birth, death, life expectancy, "demographic window of opportunity", aging, Demographic resilience concept.

Кириш. Бирлашган миллатлар ташкилоти томонидан тақдим этилган "Замонимиз тенденциясини шакллантириш" номли янги ҳисоботда бугунги дунёда иқтисодий, ижтимоий ва экологик вазиятга ва умуман олганда инсоният келаҗagini белгилаб берувчи бешта глобал мегатренд ажратилди. Уларга иқлим ўзгариши; демографик ўзгаришлар, хусусан аҳолининг қариши; урбанизация; рақамли технологиялар; ва тенгизлизилар киритилди [2].

Демографик тенденциялар, урбанизация ва технологик инновациялар инсоният тараққиётининг муқаррар натижалари бўлиб, уларнинг ижобий таъсирларини максимал даражада ошириш ва ҳар қандай салбий таъсирларни камайтиришга қаратилган хатти-ҳаракатлар орқали жамият ва иқтисодиёт ривожланишига хизмат қилади, деб таъкидлашади ҳисобот муаллифлари. Булардан фарқли равишда иқлим ўзгариши, атроф-муҳитнинг ифлосланиши ва тенг-

сизликларга эса ижобий жиҳат хос бўлмай, уларни бартараф этиш билан курашишга глобал ҳамкорлик зарур [2, 2 бет].

Ушбу мегатрендлар қаторида демографик ўзгаришларнинг жой олиши бежиз эмас. XX аср дунё аҳолиси сонининг мисли кўрилмаган даражада юқори суръатлар билан ўсиши, шунингдек, жаҳон мамлакатлари бўйлаб демографик тенденцияларнинг турли туманлиги билан хусусиятланди. Ўтган аср ўрталаридан бошлаб дунё аҳолиси сони уч баробардан кўпроққа ўсади ва БМТ прогнозларига кўра, 2022 йил 15 ноябрга келиб жаҳон аҳолиси 8 миллиард кишига етиши прогноз қилинган, 2050 йилда 9,7 млрд ва 2100 йилга бориб эса ер курраси аҳолисининг сони 10,4 млрд. кишига етиши мумкин [3].

1950 йилдан бери кузатилаётган жаҳон аҳолисининг тез суръатлар билан ўсиши икки тенденция натижасида содир бўлди. Бир томондан, соғлиқни сақлаш, овқатланиш, шахсий гигиена ва тибиётнинг кенг миқёсда яхшиланиши ҳисобига одамларнинг ўртача умр кўриш давомийлигининг босқичма-босқич ўсиши ва иккинчи томондан кўплаб мамлакатларда туғилишнинг юқори даражада сақланиб қолиши сабабли юз берди [4].

Таъкидлаш жоизки, демографик ўзгаришлар жаҳон бўйлаб мамлакатлар бўйича кескин фарқланади. Ривожланаётган мамлакатларда туғилиш кўрсаткичларининг нисбатан пасайиши натижасида меҳнатга лаёқатли аҳоли сонининг ортиши юз бераётган бўлса, аксарият ривожланган мамлакатларда аҳолининг қариши ва депопуляция жараёнларини бошдан кечирмоқда. Бундай шароитда демографик тенденцияларнинг, хоҳ ўсиш ёки камайиш бўлсин жамият тараққиётига таъсирини баҳолаш муҳим аҳамиятга эга.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Ҳар қандай ижтимоий-иктисодий муносабатларнинг асосида инсон турди. Мамлакат аҳоли сони ва сифатининг у ёки бу томонга ўзгариши ижтимоий-иктисодий ҳаётнинг барча жабҳаларида ўз таъсирини кўрсатади. Иктисодий демография йўналишининг йирик намоёндаси бўлган Б.Ц. Урланис «аҳоли ва иктисодиёт орасидаги муносабатларни изоҳлаб, иктисодий омиллар демографик жараёнларни ҳал қилишдаги муҳим шарти бўлса, демографик жараёнлар ҳам ўз навбатида иктисодий жараёнларнинг боришига таъсири этмасдан қолмайди» [5, 8-бет], дейди.

Бир неча ўн ийлилклар давомида иктисодчи ва демографлар томонидан аҳоли сонининг ўзгариши ва иктисодий ўсиш орасидаги муносабат ўрганиб келинмоқда. Бунинг натижасида учта муқобил қараш шаклланди, яъни «аҳоли сонининг ўсиши иктисодий ўсишга замин яратади, аҳоли сонининг ўсиши иктисодий ўсишга тўсқинлик қиласи» ва бу иккала ҳодиса бир би-

рига боғлиқ бўлмаган ҳодисадир» [6]. Ҳар бир қараш намоёндалари ўзининг фикрини исботловчи исбот ва далилларни келтиради.

Миллий трансферт ҳисоблари асосчилари Andrew Mason ва Ronald Lee аҳоли, хусусан унинг ёш структураси иктиносий тараққиёт даражасига тўғридан-тўғри таъсири ўтказишининг тарафдорлари бўлиб, 186 та мамлакат бўйича амалга оширилган ҳисоб китобларига кўра қўйидаги хулосаларни тақдим этишяпти: яқин ўн ийлликда жаҳон ЯИМ ўсиш суръати йилига 1 %га секинлашади; болалар ва қарияларга бўлган юқори харажатлар ҳисобига меҳнатга лаёқатли аҳолининг турмуш даражаси пасаяди; аҳолининг ёш таркибидаги ўзгаришлар ҳисобига паст даромадли аксарият давлатларда турмуш даражасини ошишига олиб келади; юқори даромадли кўпгина давлатларда қариш жараёнининг иктиносий оқибатлари кучаяди; аҳолининг қариши катта эҳтимоллик билан давлат қарзи, хусусий активлар ва унумдорликнинг ошишига олиб келади. Уларнинг фикрича аҳоли сони ва таркибий тузилишидаги ўзгаришлар миллий, минтақавий ва глобал иктиносийёт учун чуқур оқибатларни келтириб чиқаради [7].

Baker D., Delong J.B., Krugman P.R. ўзларининг тадқиқотларида юқори даромадли мамлакатларда, хусусан АҚШда туғилишнинг пасайиши натижасида аҳоли таркибий тузилишидаги ўзгаришлар таъсирида истиқболда иктиносий ўсиш суръатлари ўтган асрдагидек юқори суръатларда бўлмаслигини таъкидлашади [8]. Улар юқори иктиносий суръатни асосан “бейби бум” даврида туғилган кўп сонли аҳоли когорталари ҳисобига содир бўлганини асослашган. Бугунги кунда ривожланган мамлакатларда туғилиш кўрсаткичларининг ўта пасайишини ҳаттоқи иммиграция ҳам ҳал эта олмаслигини таъкидлайди.

Loretta J. Mester ҳар қандай иктиносидиёт фундаментал асосининг ҳал қилувчи омили демографик омил, деб ҳисоблайди. Демографик ўзгаришлар иктиносидиётнинг ўсиш суръатларига, унумдорликнинг таркибий ўсиши, турмуш фаравонлиги, жамғариш даражаси, истеъмол ва инвестицияга таъсири ўтказади. Шу билан бирга узоқ муддатли ишсизлик даражаси ва процент ставкасининг мувозанати, уй-жой бозоридаги тенденциялар ва молия активларига талаб миқдорига таъсири этиши мумкин. Турли мамлакатларда демографик тенденциялардаги фарқлар жорий операциялар ва валюта айирбошлиш курсларига таъсири ҳам кузатилади. Шу сабабли глобал иктиносидиётни англаш ўзгарувчан демографик вазият ва у ижтимоий-иктиносий тараққиёт йўналишлари, пул-кредит ва солиқ-бюджет сиёсатини олиб борувчилар олдига қўяётган муаммоларни тушуниш лозим, деб таъкидлайди Loretta [9].

М.А.Рзаевнинг фикрича, жамиятда иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар етарлича тез содир бўлса ва технологик тараққиёт юз бераётган бўлса аҳоли сонининг ўсиши муаммо ҳисобланмайди. Жаҳон аҳоли сони тез ўсиши юз бераётган бир вақтда, жаҳон ялпи маҳсулоти унданда тез суръатларда ўсиб бормоқда бу эса жаҳон ҳамжамияти ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш қобилиятини кўрсатмоқда[10].

Станишевская Л.С. демографик жараёнлар иқтисодий тараққиёт таъсирида шаклланади, деб ҳисоблайди. Корреляцион-регрессион таҳлил натижасида амалга оширилган ҳисоб-китоблар асосида турмуш даражасининг муайян даражада ошиши натижасида туғилиш кўрсаткичлари ортиши, кутилаётган умр давомийлиги узайиши ва эмиграция жараёнлари нисбатан барқарорлашишига олиб келиши мумкинлиги таъкидлайди [11].

Х.Х.Мамадалиевнинг фикрича, умумий ва професионал таълимга инвестицияларни кенгайтириш натижасида аҳолининг сифатини яхшилаш орқали демографик ва иқтисодий жараёнларнинг ўзаро таъсирининг самарадорлигини ошириш мумкин [12].

Ўз навбатида мамлакатимиз олимларининг илмий изланишлари ҳам бу муаммони ўрганишга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Жумладан, академиклар Р.А.Убайдуллаева [13] ва К.Х.Абдурахмонов [14], олимлар Л.П.Максакова [15], Б.Х.Умурзаков [14], З.Н.Тожиева [5], Х.Х.Абдурамонов[16] демографик жараёнларнинг турли жиҳатларини тадқиқ этганлар.

Тадқиқот методологияси. Ушбу мақолани тайёрлаш заминида амалга оширилган тадқиқотда мантикий, қиёсий ва тизимли таҳлил, илмий абстракциялаш, статистик таҳлил, индукция, дедукция каби усуслардан фойдаланилган.

Таҳлиллар ва натижалар. Ҳар қандай иқтисодий тизимнинг асосида инсон туради ва ҳар қандай иқтисодий тизимнинг мақсади ҳам инсоннинг турмуш фаравонлигини ошириш ташкил этади. Демографик тенденциялар инсониятнинг истиқболдаги тараққиётини белгилаб берувчи асосий омиллардан бирига айланди, жумладан, мамлакатда шаклланган ёш тузилмалари ўзгариши барқарор ривожланишнинг кўплаб соҳаларига сезиларли таъсир кўрсатади. Жумладан, барқарор ривожланиш мақсадларининг деярли барчаси демографик кўрсаткичларга боғлиқ.

Ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб тадқиқотларда аҳолининг ёш структураси иқтисодий ўсишга таъсир этувчи омил сифатида қарала бошланди. Ёш болалар ва қариялар сонининг аҳоли таркибида юқори улушга эга бўлиши уларни парваришлаш билан боғлиқ харажатларни талаб этганлиги сабабли иқтисодий ўсишнинг суръатларига ўз таъсирини ўтказади.

Бугунги кунда жаҳонда шаклланган демографик вазият ривожланган мамлакатларда аҳолининг камайиши ва қариши, ривожланаётган мамлакатларда эса жаҳон ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий омили бўлган меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сонининг ортиши билан хусусиятланади. Яқин кунгача жаҳон ҳамжамияти дунёда шаклланган демографик вазият аҳоли сонининг кескин ортиши ва уларни озиқ-овқат, тоза ичимлик суви, электр энергия, туар жой билан таъминлаш муаммолари каби масалалар муҳокама мавзусига айланган эди. Аҳоли сонини камайтириш, оилани режалаштириш билан боғлиқ тадбирлар кўплаб мамлакатларда давлат миқёсида кенг кўламда амалга оширилди. Бугунги кунда эса ушбу тадбирларнинг салбий оқибатларини бартараф этиш устида бош қотирilmоқда. Аксарият ривожланган давлатларда ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб депопуляция жараёнлари бошланди, аҳолининг қариши билан боғлиқ муаммоларнинг таъсирини юмшатиш устида ишлашмоқда. Лекин шуни айтиб ўтиш жоизки, туғилиш коэффицентларининг пасайиши нафақат ривожланган давлатларга, балки бутун дунёга хос бўлган жараёндир. Ўтган асрнинг иккинчи ярмida битта аёлга тўғри келадиган фарзанд сони 5 тани ташкил этган бўлса, бугунги кунда бу кўрсаткич 2,3 болани ташкил этмоқда [3].

Сўнгги йилларда БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси (ЮНФПА) томонидан “Демографик барқарорлик” концепцияси олға сурилмоқда. Тарғиб этилаётган “Демографик барқарорлик” концепцияси жамият ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, алоҳида инсонларнинг фаравонлиги, шунингдек, сиёсий барқарорлик ва хавфсизлик учун аҳоли сони ўзгаришининг аҳамиятини таъкидлайди. Унга кўра “Демографик барқарор” жамиятлар демографик жараёнларнинг моҳиятини ва уларнинг ривожланиш истиқболларини олдиндан кўра билиб, инсонлар, жамият, иқтисодиёт ва атроф мухит учун потенциал салбий оқибатларини юмшатиш учун кўнинма, восита, сиёсий хоҳиш ва жамоат кўллаб кувватлашига эга бўлган шунингдек, демографик ўзгаришлар яратадиган имкониятларни инсонлар фаравонлиги учун йўналтира оладиган жамиятдир [17].

2019 йилда Найроби шаҳрида ўтказилган Аҳолишунослик ва ривожланиш бўйича халқаро конференцияга аъзо давлатлар демографик турли туманликни иқтисодий ўсишни рағбатлантириш ва барқарор ривожланишга эришиш йўлида фойдаланишга келишилди. 2021 йилнинг 1-2 декабр кунлари София шаҳрида ташкил этилган вазирлар даражасидаги халқаро конференцияда кейинги ўн йиллик Европада демографик барқарорлик ўн йиллиги деб эълон қилинди.


Таъкидлаш жоизки, "демографик барқарорлик" инглиз тилидаги "demographic resilience" атамасининг таржимаси сифатида қўлланила бошланди, "resilience" ўзбек тилига сўзма-сўз таржима қилинганда "эгилувчанлик", "қайишқоқлик" маъносини билдиради. Рус тилида бу атама "демографическая устойчивость" сифатида қўлланилмоқда. Лекин на рус тилида ва на ўзбек тилида ҳам ушбу атаманинг ҳақиқий маъносини битта сўз билан етказиш жуда мушкул ва айни пайтда иккала тилда ҳам қўлланилаётган таржималар бу вазифани тўлиқ бажара олмаяпти, десак муболага бўлмайди. Инглиз тилида сифат кўринишидаги "resilient" сўзининг маъноси "қийин, мураккаб шароитга дош бера оладиган ва тезда тикланадиган", "турли таъсирларга қарамай ўз шаклига тез қайтадиган" маъносини билдириб, от кўринишидаги "resilience" сўзи - "қийинчилик, муаммолардан тез фурсатда тикланиш қобилияти" маъносини билдиради. Ўз навбатида "демографик барқарорлик" ("demographic resilience") концепциясининг асосий моҳияти мамлакатда ҳар қандай демографик вазият шаклланган бўлмасин, яъни туғилиш кўрсаткичлари оддий барпо бўлиш даражасидан кескин пасайиб, депопуляцияга юз тутаётган жамият бўлсин, ёки аксинча, туғилиш кўрсаткичларининг юқорилиги натижасида аҳолининг тез суръатлар билан ўсиши содир бўлаётган жамият бўлсин, ҳар бири тўғри сиёсат олиб бориш яъни ёши, жинси ва бошқа аломатларидан қатъий назар ҳар бир инсоннинг хақ ҳуқуқларини таъминлаш, уларнинг жамият тараққиёти учун ҳисса қўша олиши учун шарт-

шароитларни яратишга асосланган чора тадбирларни амалга ошириш орқали мавжуд демографик вазиятдан самарали фойдаланишни назарда тутади.

Бутун дунёдагидек Ўзбекистонда ҳам демографик вазият ўзгараётган бўлсада, бугунги кунга келиб у айнан демографик жиҳатдан мақбул кўринишда шаклланди. Демограф олимларнинг фикрича, «мустақиллик йиллари давомида Ўзбекистонда мамлакатни модернизациялаш ва ижтимоий ривожлантириш, ҳамда иқтисод тармоқларида муваффақиятли таркибий ўзгаришлар натижаси сифатида собиқ Иттифоқ давридан бутунлай фарқ қиласидан демографик вазият шаклланди» [13, 11-бет].

Республиканинг тараққиёт стратегиясини амалга оширишда мавжуд барча омилларни, жумладан, инсон капиталининг ўсишига таъсир этувчи омилларни максимал тарзда сафарбар этиш муҳим аҳамият касб этади. Бундай манбалар сифатида биринчи навбатда инсон капитали ривожланишининг демографик жиҳатлари назарда тутилади. Мамлакатнинг демографик салоҳияти уни иқтисодий ривожланишнинг янги босқичига олиб чиқувчи имкониятга айланishi мумкин. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон жуда улкан салоҳият ва имкониятга эгадир

Мустақиллик йиллари давомида (1991-2022 йилларда) Ўзбекистон аҳолиси сони 14,7 млн кишига кўпайган бўлиб, 2022 йил 1 январь ҳолатига 35,3 млн кишини ташкил этган. Сўнгги ўн йилларда аҳолининг ўртача йиллик ўсиш суръати 1,8%-ни ташкил этди (1-расм).



1-расм. Ўзбекистонда 2000-2022 йилларда аҳоли сони (минг киши) ва аҳоли сони йиллик ўсиш суръати динамикаси (%) [19]

Статистик маълумотларнинг кўрсатишича, сўнгги 10 йил давомида аҳолининг ўсиш суръатлари ундан олдинги даврга қараганда бироз ошган, қиёс учун 2001-2006 йиллар давомида аҳолининг ўртача йиллик ўсиш суръатлари 1,2 % атрофида бўлган. Бунинг асосий сабаби,


биринчидан, туғилиш даражаси энг юқори бўлган 1980-1990 йиллар оралиғида туғилган аёлларнинг репродуктив даврга кириб келиши бўлса, иккинчидан, 2017 йилдан бошлаб репродуктив ўшдаги аёллар сонига боғлиқ бўлмаган ҳолда туғилиш кўрсаткичларининг ўсиши билан

изоҳланади. Сўнгги 5 йилда туғилиш кўрсаткичининг ўсиш омилларини аниқлаш мақсадида амалга оширилган тадқиқот натижаларига кўра, асосий омил сифатида хотин-қизларнинг аксарияти, яъни 88,5 фоизи эртаниги кунга ишонч билан боқиши ва келажакда яхши натижаларга эришишига ишониши кўрсатган [18].


Мустақиллик йилларида табиий ўсишга хос бўлган хусусият туғилиш ва ўлим коэффициентларининг пасайишидир. Ўлим коэффициентининг пастлиги авваламбор, аҳолининг ёш структураси билан, яъни ёшларнинг улуши катталиги билан изоҳланади. Ундан ташқари соғлиқни сақлаш соҳасида олиб борилаётган чуқур ислоҳотлар аҳолининг ўртача умр кўришининг узайиши, оналар ва гўдаклар ўлимининг пасайиши каби кўрсаткичларга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Мамлакат аҳолининг ёш-жинс таркиби жиҳатдан қулай вазият шаклланган. Жинс таркиби

аҳолининг такрор барпо бўлишини белгилаб берувчи туғилиш жараёнларига бевосита таъсир ўтказади. Мамлакат аҳолисининг ҳар бир ёш гурухи таркибида аёл ва эркаклар сонини ўзаро мутаносиблиги оила қуриш, фарзанд кўриш каби жараёнларга ижобий таъсир этиб, бир қатор ижтимоий муаммоларни олдини олади. Статистик маълумотларнинг таҳдили республикада кескин иқтисодий ўсишни таъминлай оладиган салоҳиятдаги аҳоли ёш-жинс структураси шаклланганини кўрсатади. Меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолининг ҳиссаси секин-аста ўсиб бориши, меҳнатга лаёқатли ёшдан катта бўлган аҳоли улушининг шартли равишда бир меъёрда сақланиб туриши (2,3-расмга қаранг), турли ёш гуруҳлари орасидаги нисбатнинг мавжуд ҳолати меҳнат юкламасини камайтириб иқтисодий ўсишни таъминлаш учун қулай шароит яратади.



2-расм. 2000-2022 йиллар 1 январь ҳолатига аҳолининг асосий ёш гуруҳлари (млн.киши) [19]



3-расм. 2000-2022 йиллар 1 январь ҳолатига аҳолининг асосий ёш гуруҳлари (%) [19]

Бу ҳолатни демографлар “демографик имкониятлар дарчаси” деб таърифлаб, ижтимоий-иқтисодий ўсишни таъминлаш учун қулай имконият сифатида баҳолашади. Жануби-шарқий Осиё мамлакатлари оқилона таълим ва бандлик сиёсатларини уйғулиқда олиб бориш ҳисобига демографик дивидендан самарали фойдаланган давлатлар қаторидан жой эгаллаган. Ўзбекистонда ҳам шаклланган “демографик имкониятдан”дан қанчалик самарали фойдалана олиш даражаси кўп жиҳатдан унинг келажакдаги ижтимоий-иқтисодий ҳолатини белгилаб беради.

Айнан демографик вазиятдан тараққиёт мақсадида фойдаланиш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 мартағи

ПФ-87-сон Фармонининг 2-иловаси “2022-2026 йилларда хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабхаларида фаоллигини ошириш бўйича Миллий дастурни 2022-2023 йилларда амалга оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар режаси”да Ўзбекистоннинг 2030 йилгача мўлжалланган демографик барқарорлик Концепциясини ишлаб чиқиши бўйича таклифлар тайёрлаш вазифаси қўйилган [1].

Хуласа ва таклифлар. Юқорида таҳдил этилгандек, демографик барқарорлик концепцияси мамлакатда шаклланган демографик вазиятдан самарали фойдаланишга қаратилган чора тадбирлар йиғиндисини назарда тутади. Ушбу мақсадда Ўзбекистоннинг 2030 йилгача

мўлжалланган демографик барқарорлик Концепцияси қуидаги йўналишларни ўз ичига олиши керак деб ҳисоблаймиз:

- жинсий ва репродуктив саломатлик хизматларидан фойдаланишни кенгайтириш, оиласи режалаштириш шахсий хошиш ва танлов асосида бўлишини таъминлаш;
- соғлиқни сақлаш хизматларининг барча учун молиявий, ҳудудий имконилигини таъминлаш;
- ички ва ташқи миграциянинг самарали сиёсатини ишлаб чиқиш;
- шаклланган “демографик дивиденд”дан вақтида самарали фойдаланиб қолиш мақсадида таълим ва бандлик сиёсатларини мувофиқлаштириш;
- таълимнинг барча босқичларида имконилигини ва сифатини ошириш;
- янги технологияларнинг узлуксиз равишда вужудга келишини ҳисобга олиб бутун умр давомида таълим олиш имкониятларини яратиш;

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 мартағи ПФ-87-сон «Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-кувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги фармони. <https://lex.uz/docs/5899498#5901641>
2. Executive Summary. Report of the UN Economist Network for the UN 75th Anniversary Shaping the Trends of Our Time, September 2020. <https://www.un.org/development/desa/publications/wp-content/uploads/sites/10/2020/10/20-124-UNEN-75Report-ExecSumm-EN-REVISED.pdf>
3. United Nations Department of Economic and Social Affairs, Population Division (2022). World Population Prospects 2022: Summary of Results. UN DESA/POP/2022/TR/NO. https://www.un.org/development/desa/pd/sites/www.un.org.development.desa.pd/files/wpp2022_summary_of_results.pdf 3.
4. Why population growth matters for sustainable development February 2022 United Nations Department of Economic and Social Affairs https://www.un.org/development/desa/pd/sites/www.un.org.development.desa.pd/files/undesadp_2022_policy_brief_population_growth.pdf
5. Тожиева З.Н. Ўзбекистон аҳолиси: ўсиши ва жойланиши (Монография). – Т.: “Фан ва технология”, 2010.
6. Bloom D, Canning D, Sevilla J. Economic Growth and the Demographic Transition. NBER Working Paper No. 8685. December 2001.
7. Mason, A., Lee, R. and (2022), Six Ways Population Change Will Affect the Global Economy. Population and Development Review, 48: 51-73. <https://doi.org/10.1111/padr.12469>
8. Baker D, Delong J. B., Krugman P. R. Asset returns and economic growth. Brookings Papers on Economic Activity, 2005, 1, 289-330 https://www.brookings.edu/wp-content/uploads/2005/01/2005a_bpea_baker.pdf
9. Loretta J. Mester. Demographics and Their Implications for the Economy and Policy. Cato Institute’s 35th Annual Monetary Conference: The Future of Monetary Policy Washington, DC November 16, 2017. <https://www.clevelandfed.org/collections/speeches/2017/sp-20171116-demographics-and-their-implications-for-the-economy-and-policy>
10. Раев Мирза Ага-Рза Оғлы Рост населения и его влияние на экономическое положение стран // Наука, техника и образование. 2019. №5 (58). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/rost-naseleniya-i ego-vlyanie-na-ekonomicheskoe-polozhenie-stran>
11. Станишевская Л.С. Факторный анализ взаимосвязи демографического и социально-экономического развития Социальные факторы устойчивого инновационного развития экономики : тез. докл. II Междунар. научно-практ. конф. (г. Минск, 22–23 сент. 2010 г.) . – Минск, 2010. – С.158–159 <http://elib.bsu.by/handle/123456789/34567>
12. Мамадалиева Х.Х. Взаимосвязь экономических и демографических процессов в условиях глобализации / Экономика и финансы 2016, Ж.№6. С.82-89.
13. Убайдуллаева Р.А. Демографическое развитие Узбекистана в годы независимости. // Демографическое развитие республики Узбекистана в годы независимости. Докл. респ. научно-практ. конф. – Т., 2011.
14. Абдурахманов К.Х., Умурзаков Б. Современные вызовы и перспективы развития демографических процессов в Узбекистане. Научно-аналитический журнал «Наука и практика» РЭУ им. Г. В. Плеханова. Т. 10. № 4 (32). 2018. С. 9-17.
15. Максакова Л.П Демографическая безопасность как фактор современной стратегии развития Узбекистана // Экономика и финансы (Узбекистан). 2020. №3 (135). <https://cyberleninka.ru/article/n/demograficheskaya-bezopasnost-kak-faktor-sovremennoy-strategii-razvitiya-uzbekistana>
16. Абдурамонов Х. Ўзбекистон республикасида демографик ривожланишининг кўп омилли таҳлили ва истиқбол кўрсаткичлари. Иқтисодиёт ва таълим. 2020, №2, 137-142 б.
17. Программа демографической устойчивости для стран Европы и Центральной Азии. https://eeea.unfpa.org/sites/default/files/pub-pdf/104_demographic_resilience_brochure_russian_r2.pdf
18. “Оила ва хотин-қизлар” илмий тадқиқот институти томонидан ЮНФПА билан ҳамкорликда ошаларда туттилишнинг кўпайши омилларини аниқлаш мақсадида ўтказилган социологик тадқиқот натижалари. https://uz.az/uz/posts/tadqiqot-natizhalari-oqil-farzand-korish-istagi-oilada-farzandlar-sonining-kopayishiga-asosiy-omil_421290
19. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўймитасининг расмий сайти маълумотлари асосида тузилган. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/demography-2>

- барча турдаги инфратузилмаларни ривожлантириш;

- ҳар қандай шаклдаги тенгсизликка, камситилишга барҳам бериш ва инклюзив иқтисодий ўсишни рағбатлантириш;

- ёш оиласида қўллаб-кувватлаш тизими мини такомиллаштириш;

- яқин истиқболда қариялар улушкининг ошиб бориши ҳисобга олган ҳолда уларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ижтимоий хизмат билан таъминлаш, пенсия тизимини янада такомиллаштириш, уларни меҳнат бозорига жалб қилиш имкониятларини кўриб чиқиш;

- демографик статистикани такомиллаштириш;

- демография ва аҳолишунослик масалалари бўйича кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга кўйиш;

- демография ва аҳолишунослик йўналишидаги тадқиқотларини рағбатлантириш ва бошқалар.